

Камолиддин Бехзод номидаги МРДИ
“Хайкалтарошлик (махобатли)” магистратура мутахассислиги
2-курс магистранти Аллаберганов Оллаберганнинг

ХИВА ХОНЛИГИДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ

Хива хонлиги ҳам шайбонийлар давлатининг парчаланиш даврида шакилана бошлаган эди. 1512 йил шайбонийлар сулоласининг вакили Элбарсхон 1512-1538 хонликка асос солади. Бу хонликнинг ҳудуди Мангқишлоқ ва Хуросонинг шимолий тамонларини ўз ичига олди.

Хива хонлигининг меъморчилиги ривожининг янги даври XV III аср охри XIX аср бошларига тўғри келади. Бу даврда Темур ва темурийлар даври меъморчилик санъати анъаналарида бинолар қад кўтарди. Хива, Хазорасп, Тошовуз, Гурлан ва Кенжа каби шаҳарларда ҳаёт, савдо-сотик, хунармандчилик ривожланади. Кунгирот уригидан бўлган Муҳаммад Раҳим 1806-1825 ва унинг ўғли хонлик қилган йилларда(1825-1848) Хива хонлигининг ерлари бирлаштирилади. Шу йиллардан катта қурилишлар амалга оширилади, божхона ва зарбхоналар ташкил топади. Пахлавон Махмуд мақбараси 1810 йилда қад ростлади.

Ичан калъада хон қароргоҳи ва бошқа муҳим маъмурий бинолар жойлашган. Қабланнинг бош майдонини бўлиб, у ерда савдо ишлари олиб борилган, турли йиғинлар ўтказилган. Бу ерда ўрнатилган дор эса хон ғазабига учраганлар учун охри манзил бўлган. Муҳаммад Раҳимхон ўғли Оллоқулихон 1825-1848 даврида Хива хонлигининг ҳудуди янада кенгайди. Хива хонлигида турли миллат вакиллари яшаган. Туркман шоири Матхумқули, қоракалпок шоири Бердак ижоди алоҳида ажралиб туради. Улар ўз асарларида халқни бирликка биродарликка чақирадилар. Хива хонлигида фан жонланди. Шу даврда санъат ривожланди. Хоразмда энг кўп

¹У. Абдуллаев “Ўзбекистон санъати тарихи”. Т.С. 2007 й

тараққий этган хунармандчилик турларидан бири бу кулолчилик ҳисобланади ва шу билан бирга хайкалтарошлик ҳам ривожланди. Кулолчилик бошқа хунарларга нисбатан узоқ тарихга эга. Инсоният цивилизацияси бошланиши, хатто ундан ҳам олдин кулолчилик буюмларига инсоният томонидан уй рўзғор ишлари учун катта талаб ва зарурият туғилган. Кулолчилик буюмлари асосий маданий ёдгорликларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда лойдан фақат кулолчиликда эмас, балки, меъморчиликда, тандир ясашда, хайкалтарошлик намуналарини, шунингдек, диний маросимларда ишлатиладиган буюмларни яратишда ҳам фойдаланилган. Улар наслдан наслга мерос бўлиб ўтиб, ўзида бир қатор тарихий қатламларни мужассам этган

Хайкалтарошлик ва Кулолчилик ўзбек халқ санъатининг кўҳна ва гўзал намунасидир. Ривожланиш қонунларига ҳамда тараққиёт босқичларига эгадир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган археологик, этнографик, санъатшунослик илмий текшириш экспедициялари томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар ва бу соҳада қўлга киритилган талай ютуқлар фикримизнинг яққол далилидир.

Тадқиқотда аниқланишича, сополсозликнинг пайдо бўлиши хунармандчиликнинг кўпгина турлари қатори инсоннинг кўчманчиликдан ўтироқлашувига ўтишини таъминловчи омиллардан бири бўлди. Ўтроқлашувлик омили ўз навбатида сополсозликнинг ривожланишида муҳим рол ўйнаган. Бу жамиятда хунармандчилик ишлаб чиқаришнинг мустақил соҳаси сифатида ажралиб чиққандан буён давом этиб, кўп асрлар мобайнида халқ ўртасида бадиий санъат шаклида ривожланиб келди ва турли даврларда турлича кўринишда тараққий этди.

Маълумки, Ўзбекистонда лойнинг жуда кўп турлари мавжуд: кулол тупроқ, оловбардош лой, гилвата, оқ тош, оқ тош куми, темир зарралари бор кум ва бошқа кимёвий элементлар шулар жумласидандир. Лойга

қўшиладиган қўшимча ашёлар: қамиш гули, тўзғоқ, минерал бўёқлар, жун, турли органик моддалар, ўсимлик куллари, сомон ва хоказолар.

Илмий рахбар:

Доцент Абдурахмонов Иброхим